# ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 23-22

*22.06. 2022 йил* *Нурафшон ш.*

Кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритиладиган Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш Бош Бошқармаси Низом асосида иш юритувчи директор **А.Аденов** бир томондан ва кейинги ўринларда **«Бажарувчи»** деб юритиладиган **ООО «ALFA BEST STROY»** номидан Низом асосида иш юритувчи ташкилот директори **Ж.Кулбоев** иккинчи томондан, мазкур **Тошкент вилояти** Янгийўл шаҳри Самарқанд йўли Рамадон кўчаси, Янгийўл тумани "Кўкаламзор" МФЙ "Шодлик" кўчаси, Зангиота тумани "Далигузар" МФЙ худуди, Юқоричирчиқ тумани "Маърифат" МФЙ Сохил бўйи худуди, Тошкент тумани "Оқибат" МФЙ Келес йўли кўчаси, Чиноз тумани "Маданият" МФЙ худудларида суғориш қудуқларини қазиш ва мукаммал таъмирлаш учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

## I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХси ва бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса **Бажарувчига** лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар хисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади**.**

## II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда қиймати (танлаб олиш комиссиясининг 17.06.2022 йилдаги 102989 – сон протокол қарорига асосан) **ҚҚС билан 54 000 000 сўм** (Эллик тўрт миллион) **ташкил этади.**

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Буюртмачи**, **Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

## III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- ✓ барча ишларини мазкур **шартномада ҳамда унинг 1 иловасига** мувофиқ лойиҳа ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- ✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилинч (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;
- ✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета хужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва хисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш хажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қоплайди;
- ✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

## IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи**:

- ✓ ишлар бажарилиши шартномада кайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган

✓ ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини **10 (ўн) кун** муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Бажарувчига** инвестор томонидан ажратилган маблағлари хисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш**;**

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 % фоизини олдиндан тулаб беради колган 70% ни бажарилган ишлар амалга оширилгандан сўнг тўлаб берилади.

## VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоиз**и миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоиз**идан ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчилойиха-смета хужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоиз**и миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоиз**идан ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоиз**и миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоиз**идан ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент вилояти туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2Бажарувчи лойиха-смета хужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисизбирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда

расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатларни содир қилмасликни;
- тарафлар шартномадаги корупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган корупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлашни;
- хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

## IX.ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| **БУЮРТМАЧИ:** | **БАЖАРУВЧИ:** |
|---|---|
| **Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш Бош бошқармаси** | **ООО «ALFA BEST STROY»** |
| Манзил: Нурафшон ш. Оппоқ МФЙ | Тел: (371) 241-25-26 |
| ш/х*: 100021860274017065200110003 | Факс: (371) 241-25-26 |
| бюджетдан маблағ олувчи | Ул. Гулшан Пскентский район |
| СТИРи: 306 985 305 | офис: г.Ташкент, ул.А.Кодирий 7а |
| ОКЭД 81300 | Р/с: 20 208 000 500 948 697 001 |
| Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги | АТБ Халк банк, Уртачирчикского ф-л |
| Ғазна х/в.: 23402000300100001010 | МФО: 00775; ИНН: 305890529 |
| Тошкент шахри Марказий Банк ХККМ | ОКОНХ: 66000 ОКЭД: 71110 |
| МФО: 00014, СТИРи: 201222919 | |
| **Директор:** ________ **А.Аденов** | **Директор**________**Ж.Кулбоев** |

**Хуқуқий экспертиза-хулосаси**

Ушбу пудрат шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хукукий экспертиза қилиб, шартнома лойихаси қонунчилик хужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

**Компания хуқуқшуноси** __________ **М.Фарзиддинов** «____» __________ **2022 йил**

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 102989 на приобретение 1. Янгийўл шаҳри Самарқанд йўли Рамадон кўчасидасуғориш қудуғи қазиш ва тармоқларини мукаммал таъмирлаш 2. Янгийўл тумани “Кўкаламзор” МФЙ “Шодлик” кўчасида суғориш қудуғи қазиш ва тармоқларини мукам

Способ проведения электронный

Дата 17.06.2022

Время рассмотрения 17.06.2022 09:58

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Ободонлаштириш бош бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | EGAMQULOV ABROR TURSUNALIYEVICH | Бухгалтер | Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси |
| **Секретарь комиссии** | JURABAYEV AKMAL AXADJANOVICH | Бўлим бошлиғи | Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси |
| **Член комиссии** | Абдусаматов Абдувахоб Абдулазиз ўғли | Етакчи мутахассис | Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси |
| **Член комиссии** | FARZIDINOV MURODJON RISKIDINOVICH | Юристконсульт | Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси |
| **Член комиссии** | ATAMATOV MUXRIDDIN RUSTAMALI O‘G‘LI | Бўлим бошлиғи | Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси |
| **Член комиссии** | KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH | Бўлим бошлиғи | “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти худудий бошқармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.06.2022 года № лота 102989.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по разработке проектно-сметных работ** |
|---|---|
| Подробное описание | 1. Янгийўл шаҳри Самарқанд йўли Рамадон кўчасидасуғориш қудуғи қазиш ва тармоқларини мукаммал таъмирлаш 2. Янгийўл тумани “Кўкаламзор” МФЙ “Шодлик” кўчасида суғориш қудуғи қазиш ва тармоқларини мукаммал таъмирлаш 3. Зангиота тумани “Далигузар” МФЙ худудида суғориш қудуғи қазиш ва тармоқларини мукаммал таъмирлаш 4. Юқоричирчиқ тумани “Маърифат” МФЙ Сохил бўйи худудида суғориш қудуғи қазиш ва тармоқларини мукаммал таъмирлаш 5. Тошкент тумани “Оқибат” МФЙ Келес йўли кўчасида суғориш қудуғи қазиш ва тармоқларини мукаммал таъмирлаш 6. Чиноз тумани “Маданият” МФЙ худудида суғориш қудуғи қазиш ва тармоқларини мукаммал таъмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |

| | |
|---|---|
| Цена товара (услуги) за единицу | 55 040 000.00 |
| Стартовая сумма | 55 040 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 талабгор тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: талабгор тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ШИУ SHUKURJON** | 30 | 30 | 30 | Экспертная | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 30 | 30 | 30 | Экспертная | | |

Критерий №2 Гувоҳнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувоҳнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ШИУ SHUKURJON** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 ўхшаш объектларда бажарилган ишлари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: ўхшаш объектларда бажарилган ишлари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ШИУ SHUKURJON** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида QR кодли маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида QR кодли маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ШИУ SHUKURJON** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Ишларни бажаришга лицензия

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришга лицензия

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ШИУ SHUKURJON** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **ШИУ SHUKURJON** | 55 040 000.00 | 55 030 000.00 | 16.06.2022 15:40:51 | 98.13 |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 55 040 000.00 | 54 000 000.00 | 16.06.2022 15:55:40 | 100.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ШИУ SHUKURJON** | Прошел | 98.12829 | 98.12829 |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | Прошел | 100 | 100 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 102989 от 17.06.2022 года на приобретение 1. Янгийўл шаҳри Самарқанд йўли Рамадон кўчасидасуғориш қудуғи қазиш ва тармоқларини мукаммал таъмирлаш 2. Янгийўл тумани “Кўкаламзор” МФЙ “Шодлик” кўчасида суғориш қудуғи қазиш ва тармоқларини мукам определила победителем:

ALFA-BEST-STROY MCHJ
305890529

и резервный исполнитель: ШИУ SHUKURJON (200376420)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | FARZIDINOV MURODJON RISKIDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | EGAMQULOV ABROR TURSUNALIYEVICH | Согласен | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | ATAMATOV MUXRIDDIN RUSTAMALI O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | Абдусаматов Абдувахоб Абдулазиз ўғли | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари
Портали

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 4954-495e-0991-0d2c-d484-0296-0756
Ҳужжат яратилинган сана: 2019-12-30

Ҳужжат берилган: ООО "ALFA - BEST - STROY"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 305890529

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун**
**ЛИЦЕНЗИЯ**

ООО "ALFA - BEST - STROY" га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги объектлар учун қуйидаги:
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи - Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Қишлоқ хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Транспорт ва йўл қурилиши объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 30-12-2019 йил

Лицензия рақами: АЛ-000471

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 305890529

Юридик шахснинг почта манзили: TOSHKENT VILOYATI PSKENT TUMANI BIRLIK MAXALLASI GULSHAN KO`CHASI

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ИНОЯТОВ МИРАББОС МИРКОМИЛОВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

7486

ALFA-BEST-STROY

аслига тўғри

Сканировано с CamScanner

1497643

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ALFA - BEST - STROY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ALFA - BEST - STROY" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

05.12.2018 654608 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 305890529

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Pskent tumani, Pskent, Birlik mahallasi Gulshan ko'chasi,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Pskent tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

ALFA-BEST-STROY

аслига тўғри

Сканировано с CamScanner

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Ободонлаштириш бош Бошқармаси
бошлиғи

__________________А.Аденов
«___»____________2022 йил

**Тошкент вилоятининг 22 та шаҳар ва туманларида суғориш тизимини ташкил этиш ва тармоқларини мукаммал таъмирлаш объектларини лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб ижобий экспертиза хулосаси олиш учун комиссия йиғилиш**

**БАЁННОМАСИ**

**«22» июнь 2022 й.** **Нурафшон шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси белгилаш бўйича танлов комиссиялари ишини ташкил этиш мақсадида, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бош бошқармасининг 2022 йил 02 майдаги йиғилиш баёни билан тасдиқланган танлов комиссияси таркиби қуйидагича:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Комиссия раиси:** | **А.Эгамқулов** | - | Тошкент вилояти Ободонлаштириш бош бошқармаси бош ҳисобчи; |
| **Комиссия аъзолари:** | **А.Абдусаматов** | - | Етакчи мутахассис; |
| | **М.Атаматов** | - | Ходимлар бўлими бошлиғи; |
| | **К.Каримов** | - | “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассиси; |
| | **М.Фарзиддинов** | - | Юристконсульт; |
| **Комиссия котиби:** | **А.Жўрабоев** | - | Бўлим бошлиғи; |

Комиссия йиғилишида К.Каримов иштирок этмади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ғолиб ташкилот билан шартнома имзолаш.

**Кун тартиби масаласи юзасидан** комиссия раиси А.Эгамқулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **Тошкент вилоятининг 22 та шаҳар ва туманларида суғориш тизимини ташкил этиш ва тармоқларини мукаммал таъмирлаш** объекти бўйича лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб ижобий экспертиза хулосаси олувчи ташкилотни танлаб олиш учун савдолар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сон Қонуни талаблари асосида электрон тарзда ўтказилганлигини маълум қилди.

Комиссия раиси А.Эгамқулов комиссиясининг ишини очиқ деб эълон қилиш, ҳамда кун тартибидаги масалани тасдиқлашни овозга қўйди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Комиссия котиби қатнашчиларга савдолар (ЛОТ-102989, ЛОТ-102067, ЛОТ-103008, ЛОТ-103006, ЛОТ-103003) бўйича 17.06.2022 йил соат 14:51 да комиссия баённомаси шакллантирилганлигини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари

тўғрисида"ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 62-моддаси 2-хатбошига мувофиқ ғолибни белгилаш тўғрисидаги баённома давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилганлигини маълум қилди.

Икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлигини, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги таъкидланди.

Комиссия аъзолари фикрлари тингланиб бир овоздан

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. Тошкент вилоятининг 22 та шаҳар ва туманларида суғориш тизимини ташкил этиш ва тармоқларини мукаммал таъмирлаш** объектларини лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб ижобий экспертиза хулосаси олиш учун 17.06.2022 йилдаги баённомага асосан “ALFA BEST STROY” МЧЖ ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бош бошқармаси ўртасида шартнома имзолансин.

**Йиғилиш баённомасининг тузилиши тўғри деб топилиб, комиссия аъзолари**

**А.Эгамқулов** ____________

**А.Абдусаматов** ____________

**М.Атаматов** ____________

**М.Фарзиддинов** ____________

**Котиб**
**А.Жўрабоев** ____________